

ҒИЖЖАК ЧОЛҒУСИДА ИЖРОЧИЛИК АРТИКУЛЯЦИЯСИ

Ахматжон Шакаримович Дадаев

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Аннотация: Ўзбек халқининг гўзал ва бетакрор санъат турларидан бири бу созандаликдир. Созандалар орасида ғижжак чолғусига бўлган эътибор айрича. Буюк алломалар орасида Абу Али ибн Синонинг ҳам энг севган чолғуларидан бири ғижжак чолғуси бўлганлиги, мусиқий рисоаларда келтирилган. Ғижжак чолғусига бўлган эътибор, уни тадқиқ этишга бўлган қизиқиш бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Ушбу мақолада, севимли чолғуларимиздан саналган ғижжак чолғуси ижрочилигининг артикуляцияси ҳақида маълумот берилади. Яъни, мусиқий артикуляция нима, ғижжак чолғусининг артикуляция воситалари нималардан иборат, деган саволларга жавоб берилади.

Калит сўзлар: ғижжак, камон, ғижжак торлари, созанда, оҳанг, куй

ARTICULATION WHEN PLAYING THE GIDZHAK INSTRUMENT

Akhmatjon Shakarimovich Dadaev

Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: One of the beautiful and unique types of art of the Uzbek people is musical performance on instruments. Among musicians, special attention is paid to the gidzhak instrument. The musical treatises mention the fact that among the great scholars of Abu Ali ibn Sina, one of the favorite instruments was the gidzhak. Attention to gidzhak and interest in her research continue today. This article will tell you about the articulation of the performance of the gidzhak instrument, which is considered one of our favorite instruments. That is, answers are given to questions about what musical articulation is, what are the instruments of articulation of the gidzhak instrument.

Keywords: gidzhak, bow, strings of gidzhak, musician, melody, tone

Фонетикада артикуляция (лотинча articulation сўзидан олинган) нурк аъзоларининг (овоз пайлари, юмшоқ танглай, тил, лаб, тишлар) фаолияти билан боғлиқ атамадир. Мусиқада эса артикуляция чолғуларда товушлар кетма кетлигини ижро этиш усули бўлиб, бу уларнинг бирлашиши ёки парчаланиши билан белгиланади. Бирлашиш ва парчаланиш даражалари шкаласи *legatissimo*дан (товушларнинг максимал бирлашиши) то *staccatissimo*гача (тонлар янграшининг қисақриши ва уларнинг орасида фаолиятни ритмик

ташқиллаштиришни сақлаб турувчи паузаларнинг юзага келиши билан шартланган товушларнинг максимал парчаланиши) тузилган.

Ғижжак ижрочиликда артикуляция чолғунинг асосий артикуляцион аъзоларининг, яъни камон ва торларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлади. Нота ёзувида артикуляция tenuto, portato, marcato, spiccato, ricochet кабилар билан ифодаланади. Ёки лига, нуқта, чизикча ёки уларнинг комбинацияси каби график белгилар билан ҳам белгиланади. Камоннинг ҳаракат тури билан боғлиқ бўлган ижро услуби, товушни етказиб бериш характери штрих дейилади ва у артикуляция ҳодисаси сифатида кўриб чиқилиши керак.

Ижро этилаётган асарнинг характери ва услубий хусусиятлари, шунингдек, интерпретациясига кўра штрихлар танланади. Бугунги кунга қадар штрихларнинг таснифига нисбатан турлича қарашлар бор, аммо ягона қабул қилингани мавжуд эмас.

Муסיқий артикуляция акустик жараёнларнинг учта асосий шакллари билан белгиланади: хужум, алоҳида тоннинг узунлиги ва якуни. Ушбу уччала шакллари тонемалар деб ҳам аташ мумкин. Тонема – бу бўлинмайдиган, тонлар ҳосил бўлишида иштирок этадиган ва муסיқий мазмун билан узвий боғланган, куйнинг минимал товуш бирлигидир, Муסיқада тонема турли ҳолатларда турлича юзага келтирилади ва бир нечтасини келтириб ўтамыз:

- Мажбурий аллофонлар (ёки ранглари), ғижжак чолғуси созандаларининг барчасида маълум бир шароитда юзага келади (масалан, ғижжак торларида камоннинг ҳолатида ёки ҳаводан товушнинг турли хужумлари; камон олинганда ёки торлар камон билан демпфирланганда товушнинг сифатли сўниши);

- Факультатив вариантлар (аллофонлар билан адаштирмаслик лозим), ҳар доим ҳам юзага келмайди, аммо акустик шароитларга боғлиқ эмас (масалан, маълум бир ижрочилик услубига хос бўлган тебрантиришлар; тонемаларнинг динамик ўзгариши);


- Созанданинг ижро услубига хос бўлган индивидуал вариантлар.

Индивидуал вариантлар муסיқий таълим тизими туфайли юзага келмайди, балкисозанданинг ўзига хос хусусиятларидан ривожланади. Зеро, айнан шулар катта аҳамиятга эга, чунки улар борган сари кенгайиб, факультатив вариантларга айланиши мумкин ва кейинчалик ижрочилик хусусиятларининг янги услубига олиб келиши мумкин. Тонема ўз ўзидан абстракт бирлик саналади, аллофон эса шароитлардан келиб чиққан ҳолда товушнинг конкрет юзага келишидир. Куй оҳанглари билан товуш қиёфасини яратувчи тонеманинг асосий вазифаси конститутивдир (лотинча *contituo*).

Ғижжак чолғусининг акустик ўзига хослиги товуш чиқаришнинг фрикциион услуби билан деярли билинмайдигандан тортиб аниқ янграйдиган даражадаги турли товуш хужумларига имкон яратади. Хужумдан сўнг товуш юритилиши

бир текисда олиб борилиши, кучайтирилиши ёки пасайтилиши ҳам мумкин. Товуш динамикасининг, тембрининг ўзгариши ғижжакда товуш чиқариш лаҳзаларининг ўзгариши билан амалга оширилади. Бу эса камон юришининг тезлиги, унинг торга босими кучи ва торда ижро нуқтасининг жойлашган жойи билан боғлиқ ҳолда кечади.

Ғижжак ижрочилигида ҳар бир оҳанг янграшининг яқунланиш характериға, шу билан бирга бир оҳангдан иккинчисига ўтиш характериға ҳам алоҳида эътибор берилади. Буни янада аниқроқ тушуниш учун қўшни оҳангларни бирлаштиришнинг бир нечта услублари тасвирланган расмдан фойдаланиш мумкин. Бу расмда уччала тонема: хужум, узунлиги ва яқун ифодаланган.



Расмдаги пастки тўғри чизик камоннинг ғижжак тори билан доимийбирлашувини кўрсатади (I, II, III, IV ва V). Узилувчан (VI ва VII), бу дегани, камон ғижжак торидан узилган. Юқори чизик эса тонеманинг тахминий динамик ҳолатини тасвирлайди. Дастлабки учта ҳолатда (I, II ва III) у бир маромда, пасайишларсиз янграйди. IV тасвирда товушнинг тўлиқ пасайиб, йўқолиши кўрсатилган, аммо бу ерда пауза йўқ. Кейинги тасвирларда эса тонлар ўртасида паузаларни ва камоннинг ғижжак торидаги (V) ва ҳаводаги (VI ва VII) ҳолатини кўришимиз мумкин.

Товуш хужуми ёки дастлабки тонема хужумнинг турли ҳилдаги кучини билдириш учун турли қалинликдаги вертикал чизик кўринишида тасвирланган. I тасвирдаги кўндаланг чизик орқали эса бир оҳангнинг кейингисига уланиши кўрсатилган.

Муסיқий матннинг таркиби саналган товушларнинг ғижжак чолғусидаги “талаффузи” камоннинг торга махсус таъсири билан боғлиқ. Бу ерда қуйидаги усуллар қўлланилади:

I. Кейинги оҳангларнинг оқими торларнинг бир маромда алмашиши билан содир бўлади.

II. Бир торда кейинги оҳангларнинг бир маромда бирлашиши.

III. Кейинги, қўшни оҳанглар аниқ хужум билан ажратилган.

IV. Кейинги оҳанглар ўртасидаги ажратувчи вазифасини хужум ҳам, аввалги оҳангнинг сўниши ҳам бажармоқда; камон ғижжак тори билан доимий бирликни сақлаб турибди.

V. Оҳанглар ўртасидаги ажратиш вазифасини пауза бажармоқда, камон ғижжак торлари билан доимий бирликни сақлаб турибди.

VI. Оҳанглар ўртасидаги ажратиш вазифасини пауза бажармоқда. Пауза вақтида эса камон ғижжак торларидан ажралади.

VII. Фақатгина биринчи тонема – хужум эшитилганда, иккинчи тонема узунлиги ёки ўта қисқа бўлганда, ёки умуман мавжуд бўлмаганда олдинги артикуляциянинг кескин ифодаси.

Ушбу ғижжак артикуляцияси учун келтирилган таснифни якуний деб бўлмайди. Артикуляция воситалари етарлича бой ва эгилувчан бўлиб, уларни ҳеч қандай батафсил ўлчов билан тугатиб бўлмайди. Бинобарин, мусиқий иборанинг ўзига хос артикуляцион ечимларини ижодий бадий ҳаракат сифатида талқин қилиш мумкин. Зеро, ғижжак чолғусида артикуляция камоннинг юриши билан амалга оширилади. Ушбу ҳолат нафақат ижрочилик, балки педагогик амалиётда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Берлянчик М.М. «Как учить игре на скрипке в музыкальной школе», М.: Издательский дом «Классика – XXI» 2006..

2. А.Ш.Дадаев “Трактат Фароби о музыкальной науке: “Китабу-л-мусика ал-кабир” (“Большая книга о музыке”)", “Проблемы современной науки и образования” № 2 (171), 2022 й.

3. Ауэр Л. «Моя школа игры на скрипке. Интерпретация произведений скрипичной классики», М., Музыка 2009.

4. Н.Кадиров «Ғижжак ижрочиликда махаллий услублар», «Мусика», Ташкент, 2016